



220200 Богот шаҳарчаси Ўзбекистон кўчаси, 18 уй. Tel:31-52-807, faks:31-52-425

«2» май 2019 йил

№ 425/к

Богот шаҳарчаси

Нусха № _____

Богот тумани «Саховат» маҳалласида яшовчи фуқаро Гаипов Шоназар Бойназарович томонидан «Саховат» маҳалласида жойлашган турар жой биносининг ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини бериш ҳамда ўзбошимчалик билан қурилган турар жой биносига нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 6,19-моддаси, «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 апрелдаги «Фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳамда ўзбошимчалик билан қурилган турар жойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акциясини ўтказиш тўғриси»да ПФ-5421-сон фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2018 йил 21 июндаги 461-сонли ва Хоразм вилояти ҳокимининг 2018 йил 26 июндаги 445-к, туман ҳокимининг 2018 йил 30 июндаги 1908-к-сонли қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида, Богот тумани ҳокимлиги ҳузуридаги кўчмас мулкка нисбатан ҳуқуқни эътроф этиш ишларини ташкил этиш бўйича комиссиясининг далолатномаси ҳамда фуқаро Гаипов Шоназар Бойназаровичнинг аризасини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Богот тумани ҳокимлиги ҳузуридаги кўчмас мулкка нисбатан ҳуқуқни эътроф этиш ишларини ташкил этиш бўйича комиссиясининг далолатномаси тасдиқлансин.

2. Фуқаро Гаипов Шоназар Бойназаровичнинг ҳозирда фойдаланиб келаётган жами 0,12 гектар ер майдонининг 0,06 гектар ер майдонига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи расмийлаштрилсин, қолган 0,06 гектар ер майдонига давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун қайтариб олиш шарти билан дехқон хўжалиги сифатида фойдаланиш учун рухсат берилсин.

3. Ушбу ер майдонига қурилган 0001 литердаги жами қурилиш ости майдони 274,02 квадрат метрдан иборат, шундан яшаш хоналари 5 (бешта)та бўлиб ички ўлчами 90,50 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 2 (икки)та бўлиб ички ўлчами 68,80 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 159,30 квадрат метрдан иборат бўлган турар жой биносига мулк ҳуқуқини эътроф этилсин.

4. Фуқаро Гаипов Шоназар Бойназаровичга ушбу уй-жой биноларига тегишли ўзгартириш киритиш зарурияти туғулганда туман қурилиш бўлими билан келишилган ҳолда олиб бориш вазифаси юклатилсин.

5. “Саховат” шаҳарча фуқаролар йиғинига ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан белгиланган тартибда хўжалик дафтарига ўзгартиришлар киритиб бориш вазифаси юклансин.

6. Туман Давлат солиқ Инспекциясига мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан амалдаги тартиб ва мудатларда ер ва мулк солиқларини белгилаш ва ундириб борилишини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

7. Туман Ер ресурслари ва давлат қадастри бўлими (Ш.Норбоев) га туман Ер ҳисобати (баланс) га тегишли ўзгартириш киритиш топширилсин.

8. Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат қархонаси Боғот тумани филиалига фуқаро Гаипов Шоназар Бойназаровичга тегишли бўлган кўчмас мулк объектларини ўрнатилган тартибда кадастр ҳужжатларини тайёрлаш ва уларга бўлган ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.

9. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари У.Матякубов зиммасига юклатилсин.

Боғот туман ҳокими



О.Холбоев